

## ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ЎРТА АСР АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Реймов Куандык Жуманазарович

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти  
ассистент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229293>

Аннотация: Ушбу мақолада Жанубий Орол бўйи ўрта аср алломаларининг илмий ва маънавий мероси ҳусусида сўз етилади.

Аннотация: В этой статье обсуждается научное и духовное наследие средневековых учёных на Южном Арале.

Annotation: This article discusses the scientific and spiritual legacy of medieval scholars on the South Aral Sea.

Калит сўзлар: қомусий, фикҳ, тафсир ҳадис, ҳикмат.

Ключевые слова: энциклопедист, юридика, комментарий, умение, афоризм.

Keywords: encyclopedist, droit, commentary, competence, aphorism.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг қалбида она Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилади. Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Жанубий Орол бўйи замини қадимдан Турон диёрининг илм-фан, санъат ва маданият ривожланган ўлкаларидан бири саналади. Ушбу ўлка халқлари ўзининг бир неча минг йиллик тарихий ўтмиши давомида илм-

фан соҳасида жуда кўплаб ютуқларга эришди ва бунда ушбу ўлка халқлари орасидан етишиб чиққан буюк қомусий олимларимиз ва аждодларимизнинг ҳиссаси катта бўлган.

Жанубий Орол бўйи уйғониш маданияти даври тарихини ўрганишда таниқли адабиётчи К.Мамбетовнинг 1993-йили «Шарқ дабиёти тарихи» қўлланмаси шу давр тарихини ўрганишда қимматбаҳо манба ҳисобланади. Шунингдек тарихчилар Ғ.Хожаниязов ва О.Юсуповларнинг 1994-йили «Қорақалпоғистондаги муқаддас жойлар» номли китобида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ажиралмас қисми ҳисобланган маънавий меъросимизга бағишланади. Тарихчи адабиётчи олимлар Қ.Байниязов, М.Тилеўмуратовлар Жанубий Орол бўйи ўрта аср олимлари ҳаёти ва ижодлари ҳақида ўзларининг илмий китобларини чоп этишган.

Ўрта асрларда Шарқ уйғониш даврининг вужудга келиши натижасида бутун Ўрта Осиё халқлари тарихида жуда кўплаб ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Жанубий Орол бўйи ҳудудларида ҳам илм-фан соҳаси аввалги даврларга нисбатан жонланди. Ўлкамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Жанубий Орол бўйидан ҳам дунё илм-фан ва маданият соҳасига ўзининг буюк кашфиётлари билан машҳур бўлган алломалар етишиб чиқди. Ушбу алломалар томонидан амалга оширилган кашфиётлар ва улар томонидан яратилган асарлар бутун давлат ва жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатти. Шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам муҳим янги ўзгаришлар содир бўлди.

Ўрта асрларда Жанубий Орол бўйи ҳудудлари Хоразмшоҳлар давлати тасарруфида бўлиб, қадимий карвон йўллари туташган ҳудудлардан бири саналган. Шарқ ва Ғарб халқларини бирлаштирувчи ўзига ҳос кўприк вазифасини бажариб берган ушбу ўлкада қадимдан фан соҳасида кўплаб ютуқларга эришилган. Ўлкамиздаги қадимий шаҳар ҳаробаларидан кўплаб энг қадимги ёзув намуналари ва астрономик асбобларнинг топилиши, ушбу ўлкада буннан бир неча минг йиллар муқаддам ҳам илм-фан соҳасининг етук вакиллари бўлганлигини кўрсатади.

Ўрта асрларда эса, ўлкамиздан етишиб чиққан қомусий олимлар бутун жаҳон илм-фан соҳасининг энг етук вакиллари бўлган. Шулар қаторида ўзининг аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги буюк кашфиётлари билан дунёга танилган қомусий аллома Абу Райхон Беруний, унинг устози ва аниқ фанлар соҳасининг етук билимдони Абу Наср ибн Ироқ, тил ва адабиёт, тафсир, фикҳ, диний илмлар, география ва дунё халқлари этнографиясига оид асарлари билан бутун дунёда шуҳрат қозонган Маҳмуд аз-Замахшарий, тасаввуфда Хўжа Аҳмад Яссавий тариқатини

давом эттириб, уни тарғиб қилган ва ва ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшган мутасаввуф Сулаймон Боқирғоний, Шарқ ва бутун мусулмон оламидаги энг буюк мутасаввуф донишмандлардан бири саналган Шайх Нажмиддин Куброларнинг ижодий фаолияти ва бизга қолдирган илмий ва маънавий мероси орқали ўрта асрларда Жанубий Орол бўйларида диний ва дунёвий билимларининг нақадар юксак чўққиларни забт этганлигини кўришимиз мумкин.

Энг аввало, юқорида таъкидлаб ўтканимиз каби дунё илм-фан соҳасига кашфиётлари билан катта ҳисса қўшган буюк аллома Абу Райхон Беруний (973-1048-йиллар) ижоди ва фаолиятига қисқа назар солсак. Аллома ўрта асрлардаги Хоразм давлатининг пойтахти ва Жанубий Орол бўйидаги энг йирик шаҳарлардан бири саналган – Кат шаҳрида туғилиб ўскан. Ёшлигиданоқ илм-фанга бўлган қизиқиши, унинг кейинчалик турли фан соҳалари билан чуқур шуғулланиши учун асос бўлди.

Абу Райхон Берунийнинг илм-фан соҳасида юксак чўққиларни забт этишида унинг устози, етук аллома Абу Наср ибн Ироқнинг хизматлари беқиёс саналади. Абу Наср ибн Ироқ (X аср ўрталарида туғилган, 1034-йилда вафот этган) ўз шогирди Берунийнинг аниқ фанлар соҳасида етук билимдон бўлишида катта ҳисса қўшиши билан бирга, синуслар теоремасини исботлаб [Сулаймонова, 215], ўрта аср аниқ фанлар соҳасида шуҳрат қозонишга эришган. Дастлаб, Хоразмда ташкил этилган Маъмун Академиясида, сўнг ғазнавийлар саройида Беруний билан бирга фаолият юритади. Бутун илмий фаолияти давомида астрономия ва математикада турли назарияларга асос солиши билан бирга, ушбу соҳаларга оид 23 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан, 12 асарини ўз шогирди Берунийга бағишлайди [Салим-Гареев, 22]. Ўз даврида унинг аниқ фанлар соҳасидаги илмий ишларига юксак баҳо берилиб, «математика билан шуғулланадиган олимларнинг энг улуғи», - деб баҳо берилган.

Абу Райхон Беруний ёшлиги ва умуман бутун умри турли қийинчиликлар, жумладан сиёсий низолар таъсирида ўтишига қарамай, турли фан соҳаларига оид 160 дан ортиқ асарлар яратишга эришди. Жумладан, асртономия, математика, геодезия, геология, арифметика, география, тарих ва бошқа ижтимоий фанлар соҳасида яратган асарлари бизнинг давримизгача етиб келган. Шунингдек, ёзма манбалардан маълум бўлишича, аллома жуда кўплаб тилларини пухта ўрганган. У қадимги сўғд тили, араб, форс ва юнон тилини мукаммал ўрганишга эришган. Беруний ғазнавийлар ҳукумдори Маҳмуд Ғазнавий билан бирга, Ҳиндистонга қилган сафари давомида санскрит тилини мукаммал ўрганиши, унга ушбу

Ўлка ҳақида ўлмас асар яратишига имкон беради. Унинг машҳур «Ҳиндистон» асари 1030-йилда ёзилган бўлиб, ушбу асар ҳинд маданияти ва тарихини ўрганишда мукамал қўлланмалардан бири сифатида бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқолтмаган. Ушбу асарга академик В.Р.Розен «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ», - деб юксак баҳо берган эди [Маънавият юлдузлари, 94]. Шунингдек, аллома қадимги юнон, ҳинд ва Шарқнинг машҳур мусулмон олимларининг аниқ фанлар соҳасига оид илмий асарларини чуқур ўрганади. Улар томонидан яратилган баъзи илмий назарияларга ўзгаришлар ва тузатишлар киритади. Илк астрономик кузатишларни ўз юртида бошлаган аллома, кейинчалик астрономия соҳасидаги машҳур асарларидан бири «Қонуни Маъсудий» («Маъсуд қонуни») асарини яратади. Бу асар ўн битта улкан бўлақлардан иборат бўлиб, олим бу бу бўлақларни мақола деб атайтиди [Қаюмов, 60]. Бугунги кунда жаҳон кутубхоналарида ушбу асарнинг бир нечта қўлёзма нусхалари сақланади ва асарнинг илмий қиммати жуда юқори саналади. Умуман, аллома томонидан яратилган ҳар бир асар бугунги кунда ҳам ўз соҳасидаги муҳим илмий манбалар сифатида юксак қадрланади. Етук аллома томонидан қолдирилган улкан илмий ва маънавий меросни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, жамиятимиз тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Мусулмон халқлари маданияти ва маънавиятининг барча соҳаларида ўз ифодасини топган тасаввуф таълимоти XI-XII асрлардан эътиборан Жанубий Орол бўйи ҳудудларидан ҳам кенг ёйилди. Тасаввуф таълимотининг ривожланиш жараёнида унинг бир нечта тариқатлари шаклланди. Жанубий Орол бўйида тасаввуф таълимотининг, айниқса мусулмон оламида кенг ёйилган Яссавия тариқатининг кенг тарғиб қилинишида мутасаввуф Сулаймон Боқирғонийнинг хизматлари бениҳоят катта саналади. Туркий халқлар орасида Ҳаким ота таҳаллуси билан танилган Сулаймон Боқирғоний «Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи» – Хўжа Аҳмад Яссавийнинг энг яқин шогирди ва унинг ҳикматнавислик анъаналарини давом эттирувчи издоши саналади. Маълумотларга қараганда, у киши Жанубий Орол бўйида жойлашган Боқирғон номли қишлоқда туғилиб ўскан. Сўнг, Туркистон шаҳрида Хўжа Аҳмад Яссавийдан тасаввуф таълимотини чуқур ўрганади ўз устозининг тариқатини туғилиб ўскан юртида кенг тарғиб қилинишига хизмат қилди. Сулаймон Боқирғоний ўзининг «Биби Марьям китоби», «Қиссаси Иброҳим Ҳалил», «Оҳирзамон китоби» ва бошқа шеър ва дostonларида келтирган

Ўзининг фалсафий ғоялари орқали тасаввуф таълимотининг ривожланишига катта ҳисса қўшди [Камалов, 27]. Шунингдек, кўплаб хикматлар ва лирик шеърлар яратиб, ўлкамиз халқлари маданияти ва маънавиятининг ривожига таъсир кўрсатди. Ушбу мўътабар сиймо томонидан қолдирилган бебаҳо маънавий мерос у кишининг улуғ донишманд бўлганлигини кўрсатади.

Жаҳон цивилизациясининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ўрта асрлар илм-фанининг йирик вакилларида бири Хоразмнинг кўҳна Замахшар қишлоғида туғилиб ўскан Маҳмуд аз-Замахшарий (1074-1144-йиллар) саналади. Маҳмуд аз-Замахшарий ижодий фаолияти кўп қиррали бўлиб, у кўплаб соҳаларда ўз истеъдодини намён қилишга эриша олган. Унинг тил ва адабиётшунослик, фикҳ, тафсир, география ва шу каби соҳаларда яратган эллиқдан ортиқ асарлари маълум.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг тилшуносликка, айниқса араб тилшунослиги ва грамматикасига доир яратган асарлари унинг ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Алломанинг «Ал-Муфассал», «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ал-балоға» каби асарлари араб тилшунослигига доир муҳим манбалар саналади. Жумладан, унинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида араб лексикаси ва грамматикасига оид маълумотлар форсча, баъзи нусхаларда хоразмча ва туркча таржималари билан берилган [Рустамов, 10]. Бугунги кунда бу асарнинг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг кўплаб кутубхоналарида мавжуд. Араб тили грамматикасига оид энг йирик асарлардан яна бири «Ал-Муфассал» (1121-йили ёзилган) асари бўлиб, бу асар дунёнинг бир нечта тилларига таржима қилинган.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ислом тарихи, тафсир, ҳадис ва фикҳга доир яратган асарлари ҳам унинг ижодининг катта қисми ташкил этади. Маълумки, ислом динининг муқаддас китоби Қуръон яратилгандан сўнг унга тафсир ёзиш одат тусига кирган. Бу борада аз-Замахшарийнинг Қуръон тафсирига бағишланган «Ал-Кашшоф» асари алломанинг диний билимларни ҳам чуқур ўзлаштирганлигидан далолат беради. «Ал-Кашшоф» асарининг жаҳон кутубхоналарида, жумладан юртимиз кутубхоналарида ҳам бир қанча қўлёзма нусхалари сақланади. Умуман, Маҳмуд аз-Замахшарий ўзининг кўплаб соҳалардаги ўлмас асарлари билан бутун дунёда шухрат қозонган. Шу сабабли, Шарқда уни «Араб ва ғайри араблар устози», «Хоразм фаҳри» каби шарафли номлар билан улуғлашган. Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Жанубий Орол бўйида юз берган илмий-маданий юксалиш бутун дунё илм-фан соҳасининг ривожланишига ўзига ҳос ҳисса қўшди. Ушбу ўлкадан етишиб чиққан илм-фан ва маданият

соҳаси ривожига катта таъсир кўрсатган етук сиймоларнинг бизга қолдирган илмий ва маънавий мероси бугунги авлод учун бебаҳо хазина саналади.

**Библиографический список:**

- 1.Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Т., «Халқ мероси», 1999
- 2.Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимги давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). Т., «Ўзбекистон», 1997
- 3.Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. Т., «Ёш гвардиячи» нашриёти, 1987
- 4.Альберт Салим-Гареев. Ибн Ирак – первый учитель Беруни. Олтин мерос. Тошкент-Урганч, 2006
- 5.Камалов С.К. Сулайман Бақырғаний ҳам оның дәуири. «Сулайман Бақырғаний ҳам оның дәуири» Республикалық илимий-теоретикалық конференция материаллары. Нөкис-Қоңырат-2002
- 6.Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Т., «Фан», 1971